

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Юнусобод туман суди 2020 йил [REDACTED] ойининг 3 куни, ўз биносида, очик суд мажлисида, қуйидаги таркибда:

судья А.Шамахмудов раислигида,

судья ёрдамчиси Н.Ташпулатованинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Юнусобод туман прокурорининг катта ёрдамчиси У.Олимжонов, адвокат Ш.Тугаловларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 251¹-моддаси 3-қисми билан айбланган

[REDACTED]
13.04.1989 йилда Самарқанд вилоятида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, миллати ўзбек, оилали, 2 нафар фарзанди бор, маълумоти олий, ҳарбий хизматга мажбур, давлат мукофотлари олмаган, муқаддам судланмаган, [REDACTED] МЧЖ раҳбари бўлган, Тошкент шаҳри, [REDACTED] яшовчи, иш бўйича “камоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланган, айблов хулосаси нусхасини 2020 йил 12 январда олганга нисбатан

1-1004-2006/[REDACTED]-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, судланувчи, гувоҳ ва қўшимча гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, гувоҳларнинг кўрсатувларини ўқиб эшиттириб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда тўпланган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

[REDACTED]
Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 251¹-моддаси 3-қисми билан айбдор деб топилсин ва унга шу модда билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 5 (беш) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида дастлабки камоқнинг бир кунини озодликни чеклашнинг бир кунига тенглаштириб ҳисоблаб, яъни [REDACTED] ни дастлабки камоқда 2019 йил 13 декабрдан 2020 йил 3 мартга қадар (82 кун) бўлганини инобатга олиб, узул-кесил [REDACTED] га ўташ учун 4 (тўрт) йил 9 (тўққиз) ой 8 (саккиз) кун муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Озодликни чеклаш муддати маҳкум жазоларни ижро этиш инспекцияларида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин, ҳукм ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар Чилонзор туман ИИО Пробация бўлинмаси зиммасига юклатилсин.

Озодликни чеклаш жазоси Тошкент шаҳри, [REDACTED]

[REDACTED] кечки соат 21:30дан эрталаб соат 06:00га қадар ўташ



белгилансин.

███ га ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг яшаш жойини ҳукмни ижросини назорат қилувчи орган рухсатисиз ўзгартирмаслик, ишга жойлашиш, муайян жойларга-ресторан, кафе, бар, спиртли ичимликлари ичиш жойларига бормаслик, оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик, Тошкент вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик тақиқлари юклатилсин ва унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси 5 ва 6-қисмлари талаблари тушунтирилсин.

███ га нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва у суд залида қамоқдан озод қилинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган “Regapen” дорисининг 512 дона капсуласи ва “Perge” дори воситасининг 378 дона капсуласи йўқ қилинсин.

Дастлабки терговда олиниб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти Тошкент шаҳар бошқармасининг “Туронбанк”нинг марказий амалиёт бошқармасидаги ҳисоб рақамида 2019 йил 10 декабрдаги 16-сонли квитанция асосида сақланаётган 2.000.000 сўм давлат фойдасига ўтказилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса шу суднинг кассация инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

/имзо/

А.Шамахмудов

Ҳукм нусхаси аслига тўғри:

